

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ





ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ

Мухандис – техника факультети 5610100 – “Фермер хўжалигини
бошқариш ва юритиш” таълим йўналиши IV-курс талабаси
БАРНАЕВ ДИЛБЕК НЕЪМАТИЛЛОЕВИЧ нинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Плёнқа остида картошка етиштиришни ташкил этишнинг
самарадорлиги

Илмий раҳбар:  (имзо) Н.Эшонкулов.

Ишни бажарувчи:  (имзо) Д.Барнаев.

«Химояга рухсат этилди»
кафедра мудири,
 доц. А.А.Абдиев
« 21 » 06 2014 йил.

«Химоя учун ДАК га юборилди»
Факультет декани:
 доц. М.Н.Аликулов
« 23 » 06 2014 йил.

Қарши-2014 йил.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МУҲАНДИС-ТЕХНИКА факультети

5610100 – “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш”
бакалавр таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“ҚХМС ва ДИТ” кафедраси мудир
доц. А.А. Абдиев
« 6 » 12 2014 йил.

Битирув малакавий иши бўйича

ТОПШИРИК

Талаба Барноев Дилбек Абдулмоъин

1. Битирув иши мавзуси Тўйиқа остида қармоққа
этиш тиричилик ташиқоти этиши
саломат дорилли.

Институтнинг № 583 буйруғи билан 2013 йил 6.12.2013 да тасдиқланган.

2. Талабанинг тугатган битирув ишини топшириш муддати
20 июль 2014 йил

3. Битирув иши учун маълумотлар ишнинг орабчиликда ва тирик
иш маълумотлардан фан тилида битирув
ва ишнинг таърифат ишлари қармоққа
қармоқ ишлар (қармоқ) Фермер хўжалиқлари
ишларини маълумотларини қармоқлари
ташиқотида қармоқ қармоқ қармоқлари.

4. Хисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати)
тириш. Тўйиқа остида қармоққа этиш
тириш қармоқти маълумотларини
маълумотларини маълумотларини
ақоматлиқ таърифатини қармоқлари
қармоқлари. Ақоматлиқ таърифатини
қармоқлари.

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар)
2 та қармоқ 4 та қармоқлари
ишлари.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар (уларга тегишли лойиха бўлимидан кўрсатилсин)

7. Малакавий битирув иши бажарилиши бўйича календар график.

[illegible]

Малакавий битирув иши раҳбари

Маслахатчи:

Топширик олинган кун

Талаба

Мурта Н. Эшонкулов

20 маџ 2014 џ

Зиньков Л. Барноев

МУНДАРИЖА

I	КИРИШ	3 6
1.1	Плёнка остида картошка етиштиришни ташкил этишини самарадорлигини ахамияти	6.9
1.2	Мавзунинг долзарблиги	9.10
1.3	Тадқиқотининг мақсади вазифалари ва услубиятлари	10 11
II	ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛГАН ХЎЖАЛИКНИНГ ИҚЛИМ ВА ТУПРОҚ ШАРОИТИНИНГ УМУМИЙ ТАРИФИ	11.14
III	АДАБИЁТЛАРДАН ТЎПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР	14.35
3.1	Картошкани келиб чиқиши ва тарқалиши	
3.2	Картошкани биологик хусусиятлари	
IV	АСОСИЙ ҚИСМ	35.60
4.1	Тажрибани мақсади вазифалари ва услубияти	
4.2	Тажрибани ўтказишнинг агротехник шароитлари	
4.3	Амалий тадқиқотларнинг натижалари ва тахлили	
4.4	Пилёнка остида картошка етиштиришни Иқтисодий самарадорлиги	
4.5	Плёнка остида картошка етиштиришни ташкил этишини самарадорлигини бошқариш	
V	МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ	61.69
VI	АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ	69.73
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	73.74
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75.80
	ИЛОВАЛАР.	

Кириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб кучайган бир вақтда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш аҳолини йил бўйи сабзавот, полиз, узум ва меваларни инсон организми учун керак бўлган маҳсулотлар билан етарлича таъминлаш учун Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонун 2006 йил 9 январдаги фармонида мамлакатда мева-сабзавотлар узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш учун самарадорлигини ва сифатини янада ошириш, шунингдек, зарур экспорт базасини яратишга энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин дея таъкидланган. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш борасида боғларни фермерларга бериш. Уларни рағбатлантириш ўз аксини топган. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори сифатли ердан 2-3 марта ҳосил олиш учун ўсимликларни энг яхши навларини экиш, навлар шу шароитга мос бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатларни тажрибаси шуни кўрсатадики, ўртача гектардан 500 центнир ва ундан кўпроқ сабзавот йиғиб олишни такомиллаш учун замонавий интенсив боғ технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ихтисослаштиришдан мақсад алмашлаб экишни иложи борица кўпроқни маҳаллий экинлар билан таъминлаш зарур ҳисобланади.

Ўртача талабчан юқори ҳосил интенсив типдош навларини экиш.

Таркибдаги элементлар билан сақланган ҳолда юқори миқдорда ўғитларни сабзавот майдонларига сақлаш.

Дехқончиликда тупроқ химоясини тизимини қўллаш.

Юксак деҳқончилик маданияти агротехника талабларини сифатли ва ўз вақтида бажариш жумладан экишга юқори сифатли уруғлардан фойдаланиш.

Ўсимликларни химоясида кимёвий ва биологик кураш фазаларидан кенг фойдаланиш сабзавот маҳсулотлари билан аҳолини йил бўйи таъминлаш учун

эрта пишар ва кеч пишар навларини экиб улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга.

Сабзавотчилик дунё деҳқончилигида энг қадимий асосий ва етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Сабзи, шолғом, саримсоқ пиёз, лавлаги 2 минг, карам, бодринг кабилар 4 минг йилдан бери экилади. Картошка 130-135 йилдан бери экилади.

Сабзавот экинлари биологиясини ўрганиш ва шу асосда маҳсулот бирлигига кам меҳнат, кам маблағ сарфлаб юқори сифатли ҳамда арзон маҳсулот етиштириш технологиясининг назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистонда йил мобайнида ҳар бир аҳоли жон бошига қуйидаги миқдорда сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Жами 113,1 кг шундан, карам 20,1 кг помидор 25,6 кг, бодринг 5,5 кг, пиёз ва саримсоқ пиёз 18,3 кг, сабзи 18,3 кг, лавлаги 5,5 кг, ширин қалампир ва бошқа кўкат сабзавотлар 20 кг (Т.Э. Остонкулов 1997), картошкадан 55 кг қилиш тавсия этилади.

Сабзавотлар ичида энг кўп истеъмол қилинадигани бу картошка. Картошка пишириб, қайнатиб, қовирилиб истеъмол қилинади. Картошка дунё деҳқончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда туради. Шунинг учун ҳақли равишда иккинчи нон деб юритилади. Туганакнинг биокимёвий таркиби 75% сув ва 25% қуруқ моддадан иборат.

Қуруқ модданинг 70-80% крахмал бўлиб, туганакда унинг миқдори 13-20%, оксил 1-2%, клетчатка 1%, мой 0,2-0,3%, шакар 1%, қул 0,8-10% ни ташкил этади. Бундан ташқари витаминлардан С₁, В₁, В₆, РР, К ва каратиноидлар ҳамда минерал тузлар элементлар манбаидир.

Айниқса ёш пишмаган туганаклар С витаминидан 40 мг% гача сақлайди.

Ёш ўсаётган организм йирик ва мустаҳкам ва бақувват бўлишига туганак таркибидаги минерал элементлар калий, магний, йод, олтингургут, фосфор, калий кабилар муҳим ўрин тутади.

Картошка оксили таркибида алмашилмайдиган аминокислоталар (лизин, лизин, валин, трозин, изолийцин кабиларни) кўп сақлайди ва ўзининг биологик аҳамияти бўйича бошқа экинлар оксидидан юқори туради.

Агар тухум оксилини одам организми ўзлаштирса, буғдой дони оксилини 64%, картошка туганаги оксилини 85% ўзлаштиради.

Картошка туганаги таркибидаги Д.Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент борлиги аниқланган. Шунинг учун ўсимлик мойига кристалл қилиб қоврилган картошка тиббиёт олимларнинг таъкидлашларича одам организмининг жазирама иссиққа чидамлилигини оширар экан. Картошкadan 500 дан ортиқ турли мазали таомлар тайёрланар экан.

Картошка экинининг агротехника ва агроиктисодий аҳамияти ҳам катта чунки кўп чопиқ экинлари учун у етиштрилган дала тупроғи юмшоқ ва бегона ўтлардан тозаланиб, кўплаб бошоқли ва дуккакли дон экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ўзбекистонда картошка асосан озиқ овқат мақсадида ишлатилади.

Ушбу малакавий битирув ишида бизлар плёнка остида картошка етиштришни ташкил этишнинг самарадорлиги тўғрисида тажриба ўтказдик ва керакли тавсиялар бердик.

1.2 Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини кўп жиҳатдан бозор муносабатларига мос келувчи бозор инфратузилмасини шакллантириш билан боғлиқ. Бозор инфратузилмаси бозор ҳўжалигини муҳим таркибий қисми сифатида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни узлуксизлиги ва барча турдаги бозорлар товарлар капитал ва меҳнат бозорларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Шу муносабат билан иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида бозор инфратузилмасини кенг қамровли фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек оламшумул жараёнини чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиш, рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни изчил ўтказишда аҳолини турмуш фаровонлигини тубдан яхшилашда сабзавотчиликдан хусусан картошкадан мўл ҳосил етиштириш вилоятимиз деҳқонлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун агротехника қоидаларга тўла риоя қилиш, ўғитдан, сувдан тўғри фойдаланиш, ҳар бир минтақага мос навлар яратиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш. Ўсимликларни химоя қилишни тўғри ташкил қилиш киради. Аҳолини йил бўйи картошка билан таъминлаш учун эртачи плёнка остида ва кечки қилиб етиштириш лозим.

1.3 Тажрибанинг мақсади, вазифалари ва услубиятлари.

Тажрибанинг мақсади - плёнка остида эртачи картошка етиштириш. Бу учун ер тайёрлаш нав танлаш уруғлик тугунакларни тайёрлаш, плёнка остида картошка тугунакларини экиш ўғитлаш, суғориш, парвариш қилиш ҳарорат касаллик ва бегона ўтларга қарши курашиш ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш ва саралашлар киради.

Тажрибани Ўзбекистон сабзавот полиз ва картошкачилик илмий тадқиқот институти услублари ҳамда илғор деҳқон фермер тажрибаларидан ўрганилиб адабиётлардан таҳлил қилиниб изланишлар олиб борилди.

2.Тажриба ўтказилган хўжаликнинг иқлим ва тупроқ шароитининг умумий тарифи.

Касби тумани маркази шимолдан Косон тумани шимолий ғарбдан Муборак ва Миришкор тумани шарқдан Қарши тумани жанубдан Миришкор ва қарши туманлари билан чегарадош. Бу туман текисликдан иборат. Қишнинг энг совуқ куни 250дан ошмайди. Ёзда эса иссиқлик ҳарорати +430+450 даража ҳатто ундан ҳам ошади. Экинларни парваришлаш, март апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, ем ҳашак экинларини экиш март ойидан бошланади.

Хўжаликнинг тупроқ шароити.

Хўжалик тупроғи асосан оч ва типик бўз тупроқлардан ташкил топган бўлиб бизнинг тажриба ўтказган фермер хўжалигимизни тупроғи типик бўз тупроқдан иборат.

Умумий тарзда И.Бобохўжаев, П.Узоқовларнинг маълумотларига кўра (1995) бўз тупроқларнинг морфологик тузилиши қуйидагича:

А-горизонт қалинлиги 12-17см, усти чимланган бўз ёки оч қизғиш тусли кўпинча чангсимон қумоқ тангасимон майда увокли структурали.

АБ-Ўтувчи горизонт 15-25см сарғиш-малла бўз асосан чангли қумоқ тез уваланиб кетадиган чидамсиз увокли структурали.

БК-карбанатли горизонт қалинлиги ва 100см оч қўнғир сарғиш (малла) кўпинча чангсимон қумоқли зичланган.

СК-сарғиш ёки малла тусли чангсимон қумоқ юқори қисмида тузлар ажралиб туради. 1,5-2,0 мда майда жипсланган тарам-тарам тузилишли кристаллари учрайди. Дала тажрибаси ўтказилган майдон тупроғи шўрланмаган механик таркиби ўрта қумоқли ер ости сизот сувлари 8-10 м чуқурликда жойлашган. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики бу тупроқда чиринди кам бўлиб 0-60 см қатламда 0,94 %ни ташкил этади.

Тирик бўз тупроқлардан асосий элементлар миқдори

Тупроқ қатлами см	Чиринди гумус %	Азот мг/кг	Фосфор мг/кг	Калий мг/кг
0-20	1,09	13,9	21,7	217,4
20-40	0,98	9,8	19,9	201,7
40-60	0,74	6,1	15,1	192,1
60	0.94	9,93	18,90	203,73

Ернинг юза қатламида 0-20 азот фосфор ва калийнинг миқдори пастги қатламларга қараганда юқори бўлиб мувофиқ равишда ҳар килограм тупроқда 13,9 21,7 ва 217,4 мг ни ташкил қилади.

Тажриба майдонидаги тупроқ органик моддаларга азот ва фосфорга анча камбағал бўлиб фақат алмашинувчи калий ўртача миқдордадир.

Типик бўз тупроқларнинг горизонтларига зичлик унча юқори эмас (1,12-1,22г/см³) қатламда 1,21-1,25г/см³ ни ташкил этади.

Умумий ғовақлик 0,2 см қатламда 7% бўлиб ундан остги қатламларда бу кўрсаткич 54-56% гача кўтарилади.

3.АДАБИЁТЛАРДАН ТЎПЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР.

Серсув меваси ва этли қисми озиқ-овқатга ишлатиладиган бир йиллик икки йиллик ва кўп йиллик ўтчил ўсимликлар сабзавотлар дейилади.

Сабзавотчилик дунё деҳқончилигида энг қадимий асосий ва етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Сабзи, шолғом, саримсоқ, лавлаги, 2 минг, карам, бодринг, пиёз кабилар 4 минг йилдан бери экилади.

Ўзбекистонда қовун эрамиздан илгари ҳам етиштрилган. Хозирги пайтда сабзавот экинлари дунёнинг барча мамлакатларида етиштирилади.

Сабзавотлар биокимёвий таркибининг хусусияти шундан иборатки, улар таркибида сув кўп (65-96%) озиқ моддалар (оксил, мой, углеводлар) эса кам. Бундан ташқари уларнинг калорияси ҳам юқори эмас.

Лекин одам организми учун зарур бўлган биологик актив моддалар, витаминлар, ферментлар, минерал тузлар кабиларга ғоят бой.

Сабзавотларнинг биокимёвий таркиби ва калорияси ҳўл хомлигига нисбатан % ҳисобида (Т.Э.Остонқулов, В.И Зуёв, О.Қ Қодирхўжаев 2009 й)

Экин тури	намлик	Курук модда	оксил	Углеводлар	мой	клетчатка	кул	1кг маҳсулот калорияси
Сабзи	85,6	14,4	1,2	10,7	0,3	1,2	1,0	502
Шолғом	91,8	9,2	1,7	5,1	0,1	1,4	0,8	284
Турп	86,9	13,1	1,9	9,4	0,1	1,7	0,8	463

Редиска	93,3	6,7	1,2	3,7	0,1	0,9	0,6	212
картошка	75	25	2,3	18,4	0,2*0,3	1	0,8*1	837

**САБЗАВОТЛАРДА ВИТАМИНЛАРНИНГ МИҚДОРИ (Т.Э.Остонқулов, В.И Зуев,
О.Қ Қодирхўжаев 2009 й)**

Экин тури	100гр	сабзавотда Мг	ҳисобида	Соғлом суткалик	катта сабзавот	кишиларга миқдори мг
	Витамин С	Витамин А	Витамин Б1	Б2витамины	С витамини	А витамини
Сабзи	5	6,25	0,04	0,02	1000	65
Шолғом	14	0,04	-	-	360	10000
Турп	15	0,04	0,1	-	330	-
Редиска	30	0,04	0,1	-	165	-
картошка	10	-	0,12	-	500	-

**Сабзавотларнинг минерал таркиби (100 мг ҳўл модда) (Т.Э.ОСТОНҚУЛОВ,
В.И Зуев, О.Қ Қодирхўжаев 2009 й)**

Экин тури	Кул элементларининг миқдори	Натрий	Калий	Кальций	Магний	Фосфор	Темир
Сабзи	1,0	15	240	51	38	55	1,2
Шолғом	0,9	20	400	49	17	34	0,0
Турп	1,2	17	450	35	22	26	1,2
Редиска	0,8	10	255	39	19	34	1,0
картошка	1,1	28	268	10	23	58	0,9

Баъзи сақланадиган сабзавотлар (бошпиёз, саримсоқ, шивит, петрушка, хрен, турп) таркибида фитонидлар сақлайди.

Шу туфайли фунгицид ва бактерицид хусусиятига эга бўлиб инсон организмини инъекциялардан тозалайди.

Кўпчилик сабзавотлар лимон, олма, вино, кислота, эфир мойлар ароматик (хушбўй) моддалар сақлаб иштахани очади, овқат ҳазм бўлишига яхши ёрдам беради.

Сабзавот маҳсулотлари куруқ моддасининг асосий қисмини углеводлар, крахмал, шакар, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил этади. Соғлом одамнинг озиқ-овқатида турли сабзавотлар миқдори суткалик рационда 25% дан кам бўлмаслиги лозим. Ҳар куни тахминан 300 гр картошка ва 400 гр ҳар хил сабзавотлар истеъмол қилиш зарур. Маълумотларга қараганда аҳоли жон бошига сабзавотлар истеъмол қилишнинг ўртача йиллик меъёри географик минтақалар бўйича 128 кг дан 164 кг гача, жумладан оқбош қарам 32-50, помидор 25-32 кг, сабзи 16-20, бодринг 10-13 кг, хўраки лавлаги 5-10, пиёз 16-20, бойимжон 2-5, ширин қалампир 7-13, горох 7-8, хўшбўй сабзавотлар 3-5 кг ни ташкил этиши лозим.

Ўзбекистонда сабзавот маҳсулотларининг йиллик нормаси 164 кг картошка 50 кг.

Аҳолини эҳтиёжини тўла қондириш учун Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 4,0-4,2 млн тонна сабзавот 1,2-1,3 млн тонна картошка ишлаб чиқарилмоқда.

Кейинги йилларда жон бошига сабзавот 140 кг картошка 37 кг атрофида етиштирилади. Кўпгина сабзавот маҳсулотлари фақат овқат сифатида эмас, балки доривор сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Сабзавот экинлари деҳқончилик қилинадиган шимолий минтақадан тропик минтақагача бўлган ҳамма территориягача экиб ўстирилади.

Бу ҳақда 15-16 асрлардаги Ўрта Осиё хўжалиги тарихи тўғрисида "Зироатнома" да батафсил маълумотлар келтирилган.

Унда ўтмишда яшаган бобо-деҳқонларнинг минг йиллар давомида орттирган тажрибалари акс эттирилган. Улар қимматбаҳо аҳамиятли мева-дарактлар полиз ва сабзавот экинларининг навларини яхшилаш, яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш муттасил, мўл ва узоққа ташиш ҳамда сақлашга яроқли ҳосил олиш усуллари ишлаб чиққанлар.

Буларни тасдиқловчи тарихий маълумотларни Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи биттихий” (деҳқончилик рисоласи) асарида ўқиш мумкин.

Мамлакатимизда сабзавотчиликни таъминловчи А.Т.Болотов. Р.У Эдельштиен кабилар номлари билан боғлиқ.

Чет мамлакатларда сабзавотчилик сабзавот экинлар дунёнинг барча мамлакатларда етиштирилади. Ҳозирги вақтда унинг ялпи ҳосили 560-570 миллион тонна ташкил етиб ҳар бир кишининг сабзавотлар истеъмол қилиш йўл давомида 100 кгга тўғри келади. Физиологик меъёрга кўра 120-130 кгдан кам бўлмаслиги керак.

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда биринчи ўринда Хитой (202-205 млн тонна ёки аҳоли жон бошига 170 кг сабзавот 100кг тарвуз) туради.

Ҳиндистон (68-75 млн тонна) АҚШ (34-36 млн тонна) Туркия (17-20 млн тонна) Италия (12-15 Млн тонна) Россиядан (11,5-14,2 млн тонна) Ерон, Мексика, Испания, Франция, Индонезия (6-11 Млн тонна) ва хоказо.

Аҳоли жон бошига йил мобайнида сабзавотлар етиштириш Италияда 230-250, Польшада 150-160 Ақшда 130-145, Украинада 100, Россияда 86-94 килограммни ташкил қилмоқда.

Хитойда сабзавотчилик деҳқончиликнинг қадимий соҳаларидан ҳисобланади. Бу ерда сабзавот экинларини барча (80 та) маданий турлари экиб ҳар бир гектар майдондан йил давомида 1-3 (ижтимоий ҳудудларда 3-9 мартагача) жанубий ҳудудларга ҳосил олинади.

Ўзбекистон сабзавотчилигини олдидаги вазифалари.

-Сабзавот экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва таннархини арзонлаштириш.

- Аҳолини сабзавот билан таъминлашда мавсумийликка барҳам бериш.

- Сабзавотлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш. Экинларни асосий ва такрорий қилиб ўстиришга замонавий тежамкор техника уруғ ўғит ва самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланишга эришиш.

- Сабзавотчиликда юқори ҳосилли гетерозисли дурагайлардан фойдаланиш.

- Сабзавот етиштиришда интенсив технологияларни мамлакатимизга олиб кириш натижасида сабзавотчилик ривожланади.

3.2 САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ БИОЛОГИЯСИ.

Сабзавот экинлари 14 та ботаник оилага 80 га яқин турни ўз ичига олади. Шундан 40 га яқин тури Ўзбекистонда экилади.

КАРТОШКАНИНГ АҲАМИЯТИ.

Картошка озиқ-овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга универсал экиндир.

У дунё деҳқончилигида экин майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда, аҳамияти жиҳатидан эса иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳақли равишда иккинчи нон деб юритилади. Тугунак биокимёвий таркиби 75% сув ва 25% қуруқ моддадан иборат. Қуруқ модданинг 70-80% крахмал бўлиб тугунакда унинг миқдори 13-20%, оқсил 2-3%, клетчатка 1%, мой 0,2-0,3%, шакар 1%, қул 0,8-1% ташкил этади.

Бундан ташқари у витаминлар (С, В1, В2, ПП, К ва каратионидлар) ҳамда минерал тузлар элементлар манбаидир.

Айниқса ёш пишмаган тугунаклар С витаминини 40мг % гача сақлайди. Ёш ўсаётган одам организми суяк ва мускулларининг мустаҳкам ва бақувват бўлишида тугунак таркибидаги минерал элементлар (кальций, темир, ёд, олтингугурт, фосфор, калий кабилар) муҳим ўрин тутди. Картошка оқсили таркибида алмашинмайдиган аминокислоталар (лизин, лейсин, валин, тирозин, изолейсин, метионин, триптофан) кабиларни кўп сақлайди.

Агар тухум оқсилида одам организми 100% ўзлаштира буғдой дони оқсилини 64% картошка оқсилини эса 85% ўзлаштилади.

Картошка тугунаги таркибида Д.Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент борлиги аниқланган.

Картошкадан 500 дан ортиқ турли мазали таомлар тайёрланади. Ўсимлик палаги меваси яшил рангга кирган тугунакларда заҳарли глюкоалкалоид соланин ҳосил қилади. Унинг миқдори 0,2 мг фоиз ёки 100гр тугунакда 20 мг дан одам ва ҳайвонлар учун заҳарлидир. Картошка чорва моллари учун яхши ширали озуқа

ҳисобланади. Унинг 100 кг тугунагида 29,5 палагида эса 8,5 озиқ бирлиги мавжуд. Бир гектардан олинган 150 ц тугунак ва 80ц палак ҳосили 5500 озиқ бирлигига тенг.

Чорва молларига картошка тугунаги хомлигича силосланган ёки буғланган палаги эса силосланган ҳолда берилади. Қайта ишланган картошкани чиқиндилари ҳам чорва молларига берилади. Картошкани 1 тонна тугунагидан 112 л спирт, 170 кг крахмал олинади. Бундан ташқари декстрин, глюкоза, каучук ва бошқалар. Картошка экинининг агротехник ва агроиқтисодий аҳамияти катта. Ўзбекистонда картошка озиқ-овқат мақсадида ишлатилади.

Келиб чиқиши ва тарқалиши.

Картошканинг ватани Жанубий Америка (Перу, Чили) ҳисобланади. Чунки Анд тоғлари ва Тинч океани соҳилларида бу экиннинг ҳозир ҳам кўплаб ёввойи, ярим ёввойи турлари ўсади. Академик С.М. Букасов С. Б. Юзенчукларнинг 1925-1932 йиллардаги марказий ва Жанубий Америкага сафарлари туфайли картошканинг бой генафонди тўпланди.

Профессор Л.Э.Порботенконинг таъкидлашича ҳозирги вақтда картошканинг 211 та тури малум. Америкадан картошка XX аср ўрталарида Испанияга келтирилиб ундан европанинг бошқа мамлакатлари Италия, Франция, Голландия кабиларни келтирилиши Петр номи билан боғлиқ бўлиб XX аср охирида олиб келинган. Ўзбекистонга XX аср ўрталарида олиб келинган. Ўзбекистонда 135 йилдан бери экиб келинмоқда.

Ҳозир картошка дунёни 138 та мамлакатда экилмоқда умумий майдони 17-19 млн гектар бўлиб, ялпи ҳосил 220-250 млн тонна ўртача ҳосилдорлик 120-130 центнерни ташкил этади.

Картошкачилик ривожланган мамлакатлар Россия (4,4 млнга), Хитой (4 млнга), АҚШ (0,5 млнга) кабилар ҳисобланади.

Ботаник характеристика ва биологик хусусиятлари.

Картошка итузумдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Мамлакатимизда етиштриладиган тури соэнуи Пуберозимдир.

Табиатда 200 дан ортиқ тури бор. Баъзилари эса гуллайди, лекин чангчиси стерил бўлгани учун мева ҳосил қилмайди. Фақат айрим фертил гулли навлардагина (куфри, Дтоту, Пикассо сакро 32) мева ҳосил қилиш хусусияти яхши бўлади.

Картошка ўзидан чангланувчи ўсимлик. Меваси резавор икки уйли кўп уруғли сариқ яшил рангли уруғи майда ясси, сариқ рангда бўлиб 1000 тасини ўғурлиги 0,5 гр. Тугунак шакли ўзгарган поядир чунки у ер ости поянинг ён куртакларидан ривожланган оқ поя (столон) ичида озик моддаларнинг тўпланиши натижасида кенгайиб ҳосил бўлади.

Картошка навига қараб турлича бўлади. Айрим навлар (фолинискей) нави ғунчасини ташлаб юборади ва гулламайди. Мутассил гул ва сифатли ҳосил олинмоқда. Картошка ўсимлиги ўсиш ва ривожланишида униб чиқиш, шоналаш гуллаш палак сарғаймай ва пишиш фазаларини ўтайди.

Картошканинг ватани бўлган денгиз бўйи иқлими юмшоқ салқин сернам тупроқлари калийга бой тупроқларнинг шакилланиши серёғин 1300 миллиондан зиёд ҳавонинг нисбий намлиги юқори 75% дан ортиқ суткалик ўртача ҳарорат юқори қўлланган 10-15% давирда ҳамда узун кун 12-15 соат шароитда ўтади. Карошка паст ҳароратда ўсадиган ўсимликдир. Туганакларнинг нишлаш ва кўкариши ҳарорат 5-6*дан юқори бўлганда бошланади. Картошка туганаклари тупроқ 10 см қатлами 7-8*исиғида экилади.

Ҳарорат 18-20* бўлганда ўсимликлар тез кўкариб чиқади. Нишлатилмаган уруғлик туганаклар экилганда униб чиқиш 20-25чи кун уруғлик туганаклар экилганда эса 6-11 кун олдин кўкариб чиқади. “Э. Остонқулов 1999” Картошкани уруғлик туганаклари униб чиқиши учун 240*-300* фойдали ҳарорат талаб қилинади. Ҳарорат 3*дан паст ва 35*дан юқори бўлганда туганакдаги ўсиш ва ривожланиш учун қулай ҳаво ҳарорати 18-23 ҳисобланади.

Ҳарорат бундан ошса фотосентиз секинлашади, 40*дан ошса палак ўсиши тўхтаб фотосентиз натижасида ҳосил бўлади озик моддалар нафас олиш учун етмайди. Картошка ўсимлиги ўсув даврида талаб этадиган ўртача фойдали ҳарорат йиғиндиси 110 дан юқори тезпишар навлар учун 1000-1200 урта пишар навлар учун 1200-1400 кеч пишар навлар учун эса 1400-1600 га тенг.

Картошка ёруғсевар ўсимлик ёруғлик етишмаса, палаклар ўсиш, гуллаш туганак пайдо бўлиши сусайиб, жиддий камаяди.

Картошка бир гектар майдонда 40-50 минг квадрат метр барг сатҳи шакллантирадиган экиш қалинлиги энг қулай ҳисобланади (Т.Э.Останақулов, 1991)

Картошка тупроқ ва ҳаво намлигига талабчан.

Картошканинг транспирация коэффиценти 330-700 га тенг.

Айрим қуёшли иссиқ кунларда картошкани бир тўп ўсимлиги 4 метр сув буғлатади, ёки бир кг туганак ҳосил қилиш учун 65-140 литр сув талаб қилади.

Бир гектардан 200-300 центнер ҳосил олиш учун 5000-6000 литр куб сув сарфланади.

Картошка палагининг етарли даражада ўсиши ва юқори туганак ҳосил тўплаш учун энг қулай шароит тупроқнинг намлиги дала нам сиғимига нисбатан униб чиқишидан шоналашгача 70-75% шоналашдан палак сарғайишигача 80-85% сарғайишидан то йиғиштириб олгунгача 75-80 % бўлганда қайд этилади (Т.Э.Останақулов, 1980, 1991)

Картошка тупроқдаги озик элементларига талабчан, ўсимлик. Бу унинг биологик хусусиятлари кўп миқдорда биомасса тўплаши ва нисбатан илдиз системасининг кучсиз ривожланганлиги билан боғлиқ. Ўртача ҳар 100 центнер (10 тонна) картошка ҳосили ўзи билан 50 кг азот, 20 кг фосфор, 90 кг калий олиб чиқади.

Картошка ҳосилдорлигининг ошириш ва ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг асосий воситаларидан бири экин навини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик материални экиш ҳисобланади.

Нав ва уруғлик тўғри танлаб экиш орқали ҳосилдорликни 2,0-2,5 марта ошириш мумкин. Ҳозирги вақтда картошканинг 2000 дан зиёд навлари бўлиб, шундан 150 га яқини кенг тарқалган.

Картошка навлари бир-биридан морфологик белгилари, хўжалик биологик ва қимматбаҳо хусусиятлари билан фарқланади.

Картошка навлари пишиб етилиши муддатига қараб тезпишар, ўртапишар ва кечпишар навларига бўлинади. Халқаро классификацияга етишиш муддатига

қараб ўсиб чиқишидан товар ҳосил шаклланиб йиғиштиришгача (ўсув даври) 71-80 кун бўлса тезпишар дейилиб 3 балл билан баҳоланади. Ўсув даври 81-90 кун бўлса, ўрта тез пишар бўлиб 4 балл, 91-110 кун бўлса 6 балл, ўсув даври 121-130 кун бўлса, кечпишар бўлиб 6 балл, ўсув даври 140 кун ва ундан зиёд бўлса жуда кечпишар нав дейилиб, 9 балл берилади.

Картошкани ҳосилдорлиги экин навиға тупроқ иқлим шароитига ўстириш жойи ва технологиясига боғлиқ.

Ўзбекистонда районлаштирилган ва кенг тарқалган картошка навлари қуйидагилар.

Эрта пишар сув даври 70-84 кун бўлган Беллоруский, роппий зарафшон, невский, огонёк сантэ, марфона, романа, кондор, космос, эскорд, Бупелла, Детскасельский.

Ўртапишар ва ўрта кеч пишар, усув даври 93-115 кун. Селев Темп, Кардинол, Диамонт, Пикассо, Агрия кабилар экилади.

IV. Асосий қисм.

4.1 Тажрибани мақсади вазифалари ва услубиётлари.

Плётка остида картошка етиштиришни ташкил этиш мақсадида тажриба ўтказиш. Плёнка остида картошка етиштириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Ер тайёрлаш пушта олиш пуштаға захира суви олиш пуштани экишға тайёрлаш. Ерни плётка ёпиб 3-4 кун иситиш.

Плёнка остига экиш учун тез пишар нав танлаш. Туганакларни экишға тайёрлаш. Қашқадарё вилояти Касби туманини иқлими шароитида плётка остида ва очик далаға бир вақтда экилган картошкани биологиясини ўрганиш. Картошкани плётка остида етиштиришни ташкил этилишини самарадорлигини ўрганиш вазифалари туради.

Тажрибани Ўзбекистон сабзавот полиз ва картошкачилик илмий тадқиқот инсититути услублари асосида ҳамда илғор дехқон, фермер хўжаликларини тажрибалари ўрганилиб, адабиётлардан олинган маълумотлар таҳлил қилиниб изланишлар олиб борилади.

4.2 Тажриба ўтказишнинг агротехник шароитлари.

Нав танлаш эртачи картошкadan юқори ва сифатли ҳосил олиш учун энг аввало ўсув даври 70-90 кун бўлган тезпишар Қувонг 16\56 м нави танланади.

Ер танлаш ва тайёрлаш эртачи картошка учун полиз пиёз, карам, кечки бодринг, сабзи ва дуккаклидан экинларидан бўлган ерлар яхши бўлиб юқори ҳосил беради.

Бизлар полиз экилган майдонни танладик.

Кузда 30 тонна ярим чириган гўнг 250 кг аммофос ва 200 кг калий сульфат солиб 30-35 см чуқурлигда шудгор қилинади.

Эрта баҳорда шудгор чезель-культиваторлар ҳамда зиг-заг бараналар ёрдамида ишланади. Мола босилди ва жўяк олинди.

Уруғни экишга тайёрлаш эртачи картошка уруғини экишга тайёрлашда энг аввало уруғни саралаб 80 граммдан каттасини узунасига кесиб эдик. Экиш учун соғлом 30 граммдан 80 граммгача катталиқдаги туганакларни саралаб олдик. Йирик туганаклар кесилгач, ҳар бир тонна уруғ чиримаслиги ва касалланмаслиги учун 5-6 кг Т. М. Т. Д. Парамагини 100 л сувда аралаштириб ивитиб экилади.

Экиш олдидан уруғлиқ туганакларни ўтқазиш экиш усули ва муддати.

Эртачи картошкани экиш олдидан 20-25 кун давомида ёруғ ҳам иссиқ (12-15 даражали) хонада 2-3 қатлам қалинлиқда ёйилиб нишлатилади. Натижада яшил бақувват 0,5-1,0 см узунлиқдаги ўсимталар ҳосил бўлади.

Картошкани экишдан олдин бизлар тупроқнинг 100см қатламидаги ҳарорат 6-7 даражага кўтарилганда эдик. Яъни 7 февралга тўғри келди. Эртачи картошка ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан унинг туп қалинлигига боғлиқ. Эртачи муддатга экилган картошканинг ўсув даври бир мунча қисқа бўлганлиги учун тезпишар навларнинг биологик хусусиятларига кўра унинг, палаги кучли ўсмайди. Шуларни ҳисобга олиб 90x20 см схемада яъни қатор ораси 20-25 см қилиб эдик. Гектарига 3,0 тонна уруғлиқ туганак экилди. Ўтқазилган тажрибамизда шу нарса аниқландики, уруғлиқ туганакларни 6-7 см чуқурликка экиш қисқа муддатда тўла кўчатлар олиш имконини берди.

Экиш билан биргаликда азотли ўғит нормасининг 20 % фосфорли ўғитни ҳамма қолгани нормада солинди.

Бизлар картошкани тушгача экдик пушта устига чириган эланган гўнг сепиб ёруғлик ўтказувчи полиэтилен плёнкаси ёрдамида мульчалаш иссиқлик ва намлик режимини тартибга солиб барвақт ва қийғос кўчат олдик.

Тажрибамизда шунга алоҳида эътибор бердик, ҳар бир туганакда 3-4 поя ўсиб чиқди ва 220 минг атрофида поя бўлишига эришдик.

Экинни парвариш қилиш.

Картошкамиз 20 кунда кўкариб чиқди. Бу вақт ичида картошкани бегона ўт босиб кетди. Бизлар икки марта бараналадик яъни зиг-заг барана ёрдамида кўндалангига барана қилдик. Бунини картошка экилгандан 12 кундан кейин амалга оширилди.

Майсалар тўлиқ униб чиққандан кейин қатор ораларини биринчи марта 12-14 см чуқурликда кейинги марта 14-16 см чуқурликда культивация қилдик. Картошкани ҳар суғоргандан кейин ёки ёмғир ёггандан кейин культивация қилиб турдик. Бундан ташқари кўлда чопиқ қилинди. Чопиқ икки марта ўтказилди.

Озиқлантириш.

Картошкани ўсув даврида азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилди.

Эртачи картошкани икки марта озиқлантирдик. Биринчи марта кўкариб чиққандан кейин биринчи билан культиватор озиқлантиргичлар воситасида 150 кг аммоний селитраси ва 130 кг аммофос билан озиқлантирилди. Иккинчи озиқлантиришда 230 кг аммоний селитраси берилди. Эртачи картошкани парвариш қилишда қатор орасини ишлашда Т-28+4 такторига осиб ишлатиладиган КОН-2,8 А маркали культиваторлардан фойдаланилди.

Суғориш.

Эртачи картошка экилганда униб чиққунча ёғингарчилик туфайли намлик етарли бўлгани учун суғорилмади. Униб чиққандан гуллагунча 2 марта, гуллашдан туггунча 6 марта суғорилди, тупроқ намлигини 75-85 % атрофида сақлайди. Суғориш орасидаги давр дастлабки суғориш вақтларида, кун салқин бўлгани учун хар 8-10 кунда кейинчалик эса хар 6-7 кунда намиқтириб суғорилади. Бизнинг тажрибамизда 0-1-4 суғориш схемасга нисбатан 8 марта 2-5 схемасида суғориш ҳосилдорликни 24-27% га оширар экан охириги суғориш ҳосилни йиғиштиришга 7 кун қолганда тўхтатдик.

Картошка пайкалларидаги ўсимликларни сув билан бир хил текис таъминлаш кўп жиҳатдан суғориш технологиясига, яъни экинларнинг узунлиги ва чуқурлигига ҳамда улардаги сув оқимининг тезлигига боғлиқ. Тажрибамизнинг кўрсатилишига даланинг нишаблигига қараб суғориш эгатларнинг узунлиги 90 м қилиб ўқариқ олинди. Эгатлар чуқурлиги эса 20 см улардаги сув оқими эса 0,10-0,15 литр секунддан ошмаслиги керак. Шу тартибда суғориб гектаридан 220 центнердан ошириб сифатли эртачи товар ҳосил олинди.

Калорадо қўнғизи ва унга қарши курашиш.

Кейинги йилларда картошка пайкалларида бу заракунанданинг кенг тарқалганлиги бизгача етиб келди. Вилоятимизда картошка экиладиган хўжаликларга жуда катта зарар келтиряпти. Унга қарши курашда агротехник чоралар, шудгорни сифатли ўтказиш ўтмишдош экинни тўғри танлаш, ўғитлаш озиклантиришнинг илмий системасига амал қилиш қатор ораларининг ўз вақтида юмшатиб тури суғоришни кечиктирмаслик эрта экиш ҳосил олдидадан ўриб ташлаш кабилар киради.

Кимёвий усулда эса Суленуиддин (0,2-0,3 лга) Фозолин (1,5-2,0 кг га) Абдул (0,2 л га) цилебум (0,2 лга) Дицне (0,3 лга) Кароте (0,3 лга) ва бошқа препаратлар қўнғизлар тупроқдан қишлаб чиқиши биланоқ 400-5000л ишчи эритма тайёрланиб пуркагичлар ёрдамида сепилади.

Ҳосилни йиғиб олиш.

Эртачи картошкани палаклари сарғайди ва туганакларида қаттиқ сидирилмайдиган пўст ҳосил бўлди. Картошкани май ойининг 20 ларида кавлаб олдик. Картошкани ковлашдан олдин (кир-1,5 А) ёрдамида палаги ўриб олинди.

4.3 Амалий тадқиқотнинг натижалари ва таҳлили

Бизлар тажриба олиб борган фермер хўжалиги ишини яхши ташкил қилгани, тадбиркорлиги, керакли ташкилотлар билан ўз вақтида шартнома тузганлиги, ўғит гербицид ёқилғи мойлаш ва бошқа керакли жиҳозларни тайёрлаб қўйганлиги, агротехника калорияларига тўлиқ риоя қилганлиги учун эртачи картошкадан 28.3 центнердан ортиқ гектаридан ҳосил етиштирди ва яхши натижаларга эришилди.

Эртачи картошка етиштиргани учун у бозорда 2-3 марта қиммат нархда сотиб фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини оширади. Аҳолига эртачи картошка етиштириб бериш учун ердан такрорий ҳосил олишга шароит яратади. Бизлар ўз тажрибамизда Қашқадарё вилоятини иқлими тез ўзгарувчан бўлганлиги учун картошкани плёнка остига экканлигимиз учун шундай натижага эришдик 2013 йилда очик далага умуман картошка экиб бўлмайди чунки баҳор ойида ёғингарчилик кўп бўлиб далага техника кира олмайди натижада бозорда картошкани қиммат бўлишига олиб келди.

Албатта келажакда картошкани эрта етиштириш учун плёнка остига екилса 100% гарантияланган ҳосил олинади. Фермер хўжалигида янги иш ўринлари кўпаяди. Фермерни иқтисодий самарадорлиги ошади.

4.4 V. Плёнка остида картошка етиштиришнинг ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Аҳолини йил бўйи картошка билан таъминлаш учун плёнка остида эртачи картошка етиштириш катта аҳамиятга эга.

Биринчидан аҳоли эртачи картошка билан таъминланади, фермер хўжаликлари эрта етиштирган картошкаларини бозорда қиммат нархларда сотадилар.

Масалан: 2013 йилда 2-3 май кунлари бозорда 1кг картошка 4-4,5 минг сўмдан, 25-май кунига келиб 1500 сўмдан кўтара сотилди. Эртачи картошкани ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг кечки тарвуз экилиб, 300 центнердан ортиқ ҳосил олинди.

Плёнка остига экилган эртачи картошка 25-30 кун олдин пишади ва ҳосилдорлиги 20-25% кўп бўлади.

Эртачи картошка етиштиришда озиклантириш, суғориш ҳам ҳосилдорликни оширади.

Зарар келтирадиган жонзодлар ҳам уйғонмаган бўлиб зарар келтираолмайди.

Сув режими ҳам жуда катта аҳамиятга эга. 1-2-3 схемада суғорилганда ҳосилдорлик 28,3 центнер бўлди.

Эртачи плёнка остига экилган картошка фермер хўжалигини иқтисодини яхшилайти. Плёнка остига экилган картошкада энг камида, 1 гектаридан 28,3 тонна ҳосил олинганда тахминан ўртача 2 минг сўмдан сотганда 56 миллион сўм даромад қилади.

Қилинган харажатлар тахминан 16 миллион сўм бўлади. Соф фойда 40 миллион атрофида бўлади. Шу далага такрорий кечки тарвуз экиб 300 центнерга яқин ҳосил олади. Бу ҳам 6 миллион атрофида бўлади. 40-46 миллион атрофида соф фойда олади.

Плёнка остига картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Жадвал

Экин тури		Экилган майдонга	Жами олинган ҳосил т/га	Сарфланган харажат м. сўмда	Олинган даромад м. сўмда	Соф фойда м. сўмда
1	Картошка	1	28-0,3	16000000	56000000	4000000
2	Тарвуз	1	300	1000000	6000000	5000000

Плётка остида картошка етиштиришни ташкил этишни самарадорлигини бошқариш.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалигини ташкил этиш ва уларни фаолиятини олиб бориш бўйича барча қонуний ҳамда меъёрий асослар яратилган. Фермер хўжалигини ташкил этишни режалаштирган киши аввало мана шу қонунлар ва тартиблардан хабардор бўлиши лозим.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун “Ер кодекси”, “Фуқаролик кодекси” ана шу қонунларнинг асосийсидир. Бундан ташқари фермер хўжалигини ташкил этмоқчи бўлган шахс мамлакатдаги меҳнат қонунчилиги, ҳисоб-китоб ҳамда молиявий қонун қоидаларни ҳам билмоғи зарур. Фермер хўжалигини ташкил этишда ҳисобга олиши лозим бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Бу омиллардан бири табиий омиллар, яъни ер-сув ва об-хаводир. Уларни бу хусусиятларини билмай туриб, қишлоқ хўжалигида ишни самарали ташкил қилиб бўлмайди.

Жуда кўп олимлар қишлоқ хўжалигида самарали фаолият учун ер майдонининг 4 та асосий хусусиятидан хабардор бўлишни тавсия этадилар.

- Булар:
- Ернинг жойлашган ўрни
 - Сатҳи
 - тупроқнинг таркиби ва хоссалари
 - Ер захирасининг танқислиги

Юқорида қайд этилган хусусиятлар Фермер хўжалигининг оладиган даромадига у ёки бу даромадига таъсир кўрсатади. Ташкил этишнинг дастлабки босқичида қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

1. Ер майдонининг жойлашган жойи, сатҳи ҳамда тупроқнинг таркиби ҳақида шу масалаларга ихтисослашган идора ва ташкилотлардан ахборотлар тўплаш мутахасислардан маслаҳат олиш қолаверса ахборотларни ернинг топографик чизмасини чиздириш ягона ер солиғи тупроқнинг бали баҳосига қараб белгиланади.

2. Топография чизмасида ер сатҳи тегшли тепаликлар, сув хавзалари, оқар сувлар жарликлар ва бошқаларни акс эттиришни энг муҳим ер майдонининг уфққа нисбатан қиялигини аниқлаш.

3. Ер билан шуғулланувчи илмий ходимлар тавсиясига кўра ер майдонларини қисмларга бўлиб бўлинган қисмларини тупроқлардан намуналар олиш ва уларни махсус лабораторияларда текшириш орқали тупроқ таркиби ва унинг унумдорлигини ҳамда маълумотга эга бўлади.

4. фермер фаолиятининг дастлабки даврдаёқ ер захираси танқислигини эсда тутган ҳамда Фермер хўжалигини ташкил қилиш учун мўлжалланган ҳудуд ер майдонларини тақсимлашни ўрганиш.

Фермер хўжалигини жойлашган жойнинг фермер ялпи даромадига таъсири ҳар хил кўринишида намоён бўлади. Мисол учун: Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни бозордан қанча узоқ бўлса, даромаднинг шу қадар пастлашувига олиб келади. Сабаби транспорт харажатларининг ортиши ва бозорга маҳсулот етказиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфланади.

Фермер хўжалиги жойлашган ўрнининг сув хавзалари ва оқар сувга жойлашиши ҳам унинг унумли фаолият кўрсатиш учун катта аҳамиятга эга . Бундан холларда фермер хўжалиги бир неча афзалликларга эга бўлади.

Ернинг захини қочириш учун тайёр хавза мавжудлиги ёғингарчилик даврида ортиқча сув ва намликдан суғориш тизимидан фойдаланишнинг қулайлиги ҳулоса қилиб шуни айтиш керакки ўз хўжалигини об-хавоси ерни ва сувни яхши билиши керак.

Олимларнинг берган маълумотларида фермер ўзига тегишли майдонларини қисмларга бўлиб шу тариқа ҳар бир қисмга об-ҳаво таъсирини кузатиш ва кузатув натижаларига асосланиб уларда маҳсулот етиштиришнинг бир-биридан фарқли агротехнологик усулларни ишлаб чиқиши керак.

Фермер хўжалигида меҳнатни оқилона ташкил этиш бир қанча тамойилларга боғлиқ бўлади. Бу тамойиллар қуйидагилар: узлуксизлик, ўзаро

нисбат, ўзаро келишиш ва бир хил суратда ишлаш. Иш жараёнида ҳалақит берувчи барча омилларни бартараф қилиш тўхтовсиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш орқали узлуксиз таъминланишига эришилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кўлда бажариладиган ишлар билан техника ёрдамида амалда ошириладиган ишларнинг ўзаро мақбул (оптимал) нисбатини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фермер хўжалигида иш юритишда фермернинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Оиланинг имконияти зарур бўлганда ёлланма ишчиларни жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш;

- Иш жойларини техника зарурий жиҳоз ва асбоб ускуналар билан таъминлаш.

- Ёлланма ишчиларга контракт (шартнома) асосида иш ҳақи тўлаш ва бунда худди шу касбдаги давлат ва бошқа корхоналарда ишловчилардан кам иш ҳақи тўлашга йўл қўймаслик.

- Меҳнат муҳофазаси бўйича чора тadbирларни амалга ошириш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

- Фермер хўжалиги аъзоларининг меҳнат дафтарларини уларнинг ижтимоий фондларига тўлаган тўловлари қайд этилган ҳужжатларни юритиш.

Юқоридаги кўрсатмаларга тўланишига амал қилиш. Фермер хўжалигида иш юритишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, ва унинг келгусидаги муваффақиятини таъминлайди.

Фермер хўжаликларида меҳнатни ташкил этишда такомиллаштириш бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Булар қуйидагилар:

- Кўл кучи сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришни механизатциялаш даражасини ошириш;

- Меҳнатни оқилона меъёрлаштириш фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси, шу билан биргаликда ёлланма ишчиларнинг охирги натижасида манфаатдорликни таъминлаш;

Бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш даражаси фермер замонавий техника ва технологияларни шу жумладан компьютер

технологияларни қўллагандан туриб фермер хўжалигида самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Фермер хўжалигида юқори натижаларга эришишнинг энг кўп муҳим омили бу фермер хўжалигидаги бошлиғи ва аъзоларининг малакаси ва тажрибасидир.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, муваффақиятли фаолият олиб бораётган Фермер хўжаликлари раҳбарларининг деярли барчаси олий маълумотли иқтисодчи ёки бошқа қишлоқ хўжалиги мутахассислигига эга.

Фермерлар хўжаликни мустақил юритишда қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Айниқса Фермер хўжалиги:

-ҳисоб ва ҳисобот юритиш, банк амалиётлари маълум даражада малака талаб қилади. Бундан ташқари фермер технологик жараёнларни кредитлар билан ишлашни ҳам мукамал билиши лозим.

Фермер хўжалигини юритишда режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириши ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янгича моҳият ва аҳамият касб этиб боради.

-Режалаштириш асосини фермер хўжалигининг бизнес режаси ташкил этади. Фермернинг бизнес режаси бу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар корхонанинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, корхонанинг фойдалилик даражасини максимал даражада таъминлаш борасида ишлаб чиқилган ёзма дастуридир.

Фермернинг бизнес режаси

1. Фермер учун ўз олдига қўйган мақсадлари ва бўлаётган ишларини ҳар томонлама майда иқир-чикирларигача таҳлил қилишга ундайди, чунки бизнес-режа тузиш мавжуд имкониятларга баҳо бериш ва келажакка назар ташлашга мажбур қилади.

2. Мукамал тузилган бизнес режа фермер учун келгуси фаолиятини давом этишда қўлланма сифатида хизмат қилади. Бизнес режасидан тўғри ва

малакали фойдаланиш корхонани самарали бошқариш ва кўзланган мақсадга эришишга реал имкониятлар туғдиради.

3. Фермер томонидан тузилган мукаммал бизнес режа биринчи навбатда хўжаликнинг ходимлари учун, сўнгра корхона фаолияти билан қизиқувчи мижоз ва жамоатчилик учун, банклар учун режалаштирган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлилигини илмий асоловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Фермер хўжалигида бизнес режа тузиш

1. Фермер хўжалигининг манзили фирма номи, хўжалик бошлиғининг исми, отасининг исми ва бошқа алоқа учун реквизитлари кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади ва вазифалари аниқ ва равшан, ҳамма ўқиганда тушунадиган содда тилда ёритиш керак. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот хажми, турлари уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар даромадлар кўрсатилади. Ишчи кучи, техника аъзоларининг маълумоти ва хоказо.

Бизнес режа қуйидаги саволларга жавоб бўлиши керак.

1. Фермерга қанча ишчи керак ?
2. Фермер қанча ишчига эга ? ва келажакда қанча талаб этилади ?
3. Талаб этиладиган ходимларни қайердан олади ?
4. Уларга қандай қилиб ва қанча иш ҳақи тўланади ?
5. Ушбу харажатлар фермерларга қанча қайтим беради ?

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарида бизнес режалар ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997-йил 7 апрельда 11/48-81 сонли баённома билан маъқулланган. Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

“Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиариш маҳсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрларидан фойдаланилмоқда, шунингдек 1990-йил Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш ва маҳсулотлар етиштириш бўйича технологик карталар кўрсаткичлари бизнес режалар ишлаб чиқишда асосий меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштириш учун талаб этиладиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёрлари маълум ҳосилдорлик кўрсаткичига ҳисобланган бўлиб сарф харажатлар миқдори ҳам ўзгариши мумкин.

Меҳнат фаолияти

Картошкани қайта ишлаш заводлари ишчилари учун ҳафсизлик техникаси бўйича реал қилинадиган қоидалар. Маълумки ҳар қандай саноат корхоналарига янги ишга кирувчилар қайси цех ёки бўлимга ишлашдан қатъий назар, албатта дастлабки кириш инструктаж ва иш жойи бўйича техник ҳафсизлик қоидаларидан зарур инструктаж олишлари шарт. Сўнг махсус журналларга қўл қуйишлари керак. Бундан ташқари доимий ишловчи ишчилар ҳам ҳар йили ёки иш участкалари ўзгарганда аввалги бўлимидан қатъий назар тегишли техник ҳафсизлик қоидалари бўйича инструктажлардан ўтказилади.

Умумий қоидалар Техника ҳафсизлигига риоя қилиш учун картошкани қайта ишлаш корхоналари ишчилари қуйдагиларни билиши керак:

- Ҳар бир ишчи фақат топширилган ишни бажариш ва уни бошқа шахсга топширмасликни, ҳафсиз иш усуллариини ўзлаштиришни, асбоб ва мосламалардан фақат улар мўлжаллаган мақсадлар учун фойдаланиши кўнгилсиз ходисаларга сабаб бўлувчи нуқсонларни тезда бартараф этиш зарурлигини;

- Баланликка ишлашда фақат ишга яроқли технологик машина ва агрегатлар ёки уларда қурилмалар бўлмаганда ишлаб чиқаришда шикастланганда дарҳол меҳнатнинг мурожат қилиш ва юз берган кўнгилсиз ходиса ҳақида смена мастери ёки завод маъмуриятига хабар беришни ишлаб чиқаришга

шикастланмаган кишиларга зарур медицина ёрдами кўрсатишни хизмат кўрсатувчи машина механизми ва қурумаларнинг вазифаси ҳамда тузилиши;

-Машина –ускуна иш режимлари уни профилактик қаровдан ўтказиш ҳамда ремонт қилиш графикларни; меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя унутмаслик керак. Ишни бошлашдан олдин ҳафсизлик чоралари ҳар бир ўз қуйилгани тартибга келтириш айтилса хотин-қизлар сочини бош кийим остига йиғиштириб олишлари керак бўлади. Ишчиларнинг иш жойи етарли дажада ёритилган ортиқча нарсалардан холи бўлиши лозим, технологик машиналарни бузуқ эмаслиги кўздан кечирилади, ва ишнч ҳосил қилингандан сўнг ишга тушурилади; иш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш агар бу ишни ўзи эплотмаса шу ҳақда смена масери бригадирини хабардор қилиш шарт, технологик машинани ишга туширишдан олдин химоя кўзайнаклари респираторлар ва бошқа химоя воситалари тақиб олинади медицина кўригидан ўтгандан кейин ҳафсизлик техникаси бўйича инструктажлардан ўтиш ҳафсиз иш усулларини ўрганиш, технологик машина ва агрегатга хизмат кўрсатишини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлиши учун зарурий синов имтиҳон суҳбатдан агрегатларни сошлаш ҳамда бошқариш, бўйича барча операциаларни диққат билан кузатиб бориш ва пухта бажариш, технологик иш режимларини сақлаб туриши, ёнғинга қарши ҳафсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим, технологик машина бошқараётган ишчи ҳаёлни бўлмаслиги ва агрегатни иш вақтида қаровсиз қолдирмаслиги зарур, цехдан ҳансиэлантйривчи сўрувчи қурилмаларни ишга яроқлилигини текшириш вазифаларни ўз вақтида бажарилганда иш давомида содир бўладиган кўнгилсиз ҳолларда олдини олган бўлади.

Бу таъсир бош айланишини, қулоқнинг шингиллаши, бош оғриғи, артериол қон босимининг ўзгариши, юрак уриш ритмининг бузилиши ва бошқаларга номоён бўлад. Ишлаб чиқариш шавқуни фикрини бир жойга йиғишга ҳалақит бериб иш қобилиятининг пасайишига ва бахтсиз кўпайишга сабаб бўлишига олиб келиши мумкин.

Шовқиннинг организмга таъсири унинг частотавий таркибига электирига боғлиқдир. Шовқин даражаси юқори жойларда икки-уч йил ўртача бўлган жойда беш-ўн йил ишлаганда қулоқ ости-секи оғирлашиб қоради. Шунинг учун асосий

цехдан машиналарни бошқарадиган кишиларга нормал шароит яратиш учун тегишли мамлакатлардан ҳвм санитария ва гигиеник тармоқлрига мос ҳолда бўлишини назорат қилиш зару. Агар нормативдвги (сн-110473) чегарадан катта бўлса, у ҳолда уларни тегишли машиналарда камайтириш зарур ёки янги ишлаб чиқариладиган технологик машиналарда виброакутик масалалари ҳисобга ишлаб чиқарилиши керак. Шу боисдан тегишли машинада шовқин ва тебраниш манбаи бўлган иш органларини анмқлаб сўнгра бу зарарли омилларни ҳисобга олиб дарҳол камайтириш учун чора-тадбирлар кўриш лозим.

VII Атроф муҳит муҳофазаси

Картошкани сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш жараёнида жуда катта миқдорда чанг чиқади. Ушбу чанглар завод биноларни, атрофларни ҳавосини булғатади. Заводда ишлайдиган ишчилар учун ноқулай шароит туғдиради ҳамда атроф муҳитни ифлослантиради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш цехлари ҳавоси буғланиб ҳар хил аллергия ва бошқа касалликларни келиб чиқишига замин яратади. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун технологик машиналарда маҳаллий сўргичлар ўрнатилади. Натижада ҳаво таркибидаги ифлосликлар ва зарарли чанглар тозаланади. Баъзан шунга қарамасдан, цех ичидаги турли машина корпусларини очиқ бўлиши, тўлиқ ёритилмаслиги агродинамик ишламаслиги шуларни мисол қилиб олиш мумкин. Заводга қабул қилинган ёки келтирилган ёки картошкани турли технологик жараёнлар ёрдамида тозлаш вақтига ажралиб чиқадиган чанглар органик ва минерал аралашмалардан иборат.

Органик аралашмалар қуриган чанглар, ҳасларнинг майдаланган бўлаклари ёки бутун қисимлардан иборат бўлади. Минерал аралашмаларга чанглар қумлар ва бошқа турли аралашмалар ҳамда транспортга юклаш боктида қўшилган ифлосликлар киради. Картошкани дастлабки аралашмаларидан тозалаш вақтида асосан минерал аралашмали чанглар ёки ифлосликлардан ажратиб олинади.

Маҳаллий чанг сўргичларга ҳар хил диаметрли қувурлар билан уланган вентеляторлар ҳавони марказдан қочирма чанг тутгич циклонларга узатади. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам ашёни технологик қайта ишлаш жараёнларида ювиш ва бошқа жараёнларда тоза ичимликка яроқли сув

ишлатилади. Натижада жуда кўп миқдорда чиқинди суви ҳосил бўлади, у корхона канализацияси орқали ташқарига чиқарилади. Чиқинди сувларининг таркибий қисмидан моддалар органик ва ноорганик бўлади, уларни тўғридан-тўғри сув ҳавзаларига ташлаб бўлмайди.

Корхонада ҳосил бўлаётган чиқинди сувларини тозалаш иншоотларига юборилади. Бу ерда улар тозаланиб яна, техник мақсадларда ишлатилиши учун яроқли ҳолга келтирилади. Чиқинди сувлари тозалаб корхонага фойда келтиради. Чиқинди сувлар канализацион насос станцияси орқали тозалаш иншоотларига юборилади. Бунда умумий санитария талабларига риоя этиш керак. Канализация қувурларига тиқилиб қоладиган пахта, қоғоз, латта, пўчоқ ва бошқа нарсалар чиқинди сувларига тушмаслиги керак. Канализация қувурлари доимо назорат қилиб турилади, ҳар 30-50-100 метрда назорат қудуқларини қуриш кўзда тутилади. Корхонадан чиқаётган чиқинди сувлар корхонадан чиқиш жойига техник тозаланади, унда сувнинг чиқиш жойга катаклари 16х30мм ли сим панжара ўрнатилади. Бунда сувга кириб қолган йирик механик қўшимчалар тутилиб қолади, улар вақти-вақти билан тозаланиб турилади ва контейнерларга тайланади.

Канализация қувурлари қия қилиб ўрнатилади, уларда сувнинг оқими тезлиги 70см/секунд бўлиши керак, қувурлар 1,5-1,7 м чуқурликда ётқизилади. Канализация қувурларининг диаметри 550 мм дан кам бўлмаслиги керак. Механик усул билан дастлабки тозаланган чиқинди сувлари биолгик тозалаш иншоотларига юборилади.

VIII. Хулоса ва таклифлар

Бизлар ўтказган дала тажрибаларда шундай хулосага келдик. Қашқадарё минтақасини қуйи Касби, Миришкор, Қарши, Косон. Нишон, Муборак туманларида феврал - март ойларини бошида қора совуқлар бўлади. Очиқ далага экилган картошкани совуқ уриб кетади. Шунинг учун шу томонларда эртачи картошка етиштириб бўлмайди.

Эртачи картошка етиштириш учун эртачи картошкани устига плёнка остида эртачи картошка етиштиришни технологиясини фермерлар ўрганса Қашқадарё халқи Сурхондарё ёки Самарқанд вилоятларидан келтирилган ва жуда қимматга етиштирилаётган картошкага эҳтиёжи қолмас эди. Ўзимизда етиштирилса арзон ва сифатли бўлади бизлар ўзимизни кузатувларимизда шундай хулосага келдикки Қашқадарё қуйи минтақаларида эртачи картошка яхши ҳосил беради. Қачонки уни плёнка остида етиштира қуйи туманларда экилса картошкадан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Чунки ҳаво исиб кетиб суткалик t^0 30^0 ошганда картошка ривожланишдан тухтайди.

Хулоса қилиб айтганда плёнка остида картошка очик далага экилган картошкадан 30-20 кун олдин пишади. Ҳосилдорлик 3-4 ц/га кўп бўлади экологик тоза бўлади. Чунки, ҳашаротга қарши кимёвий дорилар ишлатилмайди. Ердан икки марта ҳосил олинади. Бизлар юқоридаги маълумотларга асосланиб вилоятда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган деҳқон фермер хўжаликлари ва томорқа эгаларига плёнка остида етиштиришини тавсия қиламиз.

IX. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун 2014й

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг лизинг тўғрисидаги қонуни 1999-йил 4апрел

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

1.2.1. Қуруқ ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги ТФ-1702 сонли фармони 1997й 31-январ

1.2.2. Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 1012 йил 22октабир ТФ-44 78 сон фармони

1.3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасини қарори

1.3.1. Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати кўрсатишнинг такомиллаштиришни чора-тадбирлари тўғрисидаги 63 сонли қарори 2001 йил 1 феврал

1.4. Бошқа меъёрий ҳужжатлари

1.4.1. 1998-2000 йиллардаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш дастури. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.Шарқ 1998й.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1.5.1. И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон 1995 246 б

1.5.2. И. А. Каримов қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг Х-сессиясида сўзлаган Т. Ўзбекистон 1998 70 боб.

ҚАҲШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Битирув малакавий иш бўйича раҳбарнинг такризи

Талаба: Барноев Дилбек Навоитиллаевич

Мавзу: Тўёнка остида қармоққа етмиш-тирмиси илмий ишнинг таърифдорлиги

Малакавий иш ҳажми: 78

Ёзма изоҳ қисми: 76

Чизмалар сони: 2

Мавзунинг долзарблиги: Аҳолини ҳўтати қармоққа остида илмий ишнинг долзарб мавзуда

Битирув умумтехник ва махсус тайёргарлиги тавсифи: Тўёнка остида қармоққа етмиш-тирмиси илмий ишнинг таърифдорлиги

Битирувчи талабанинг мустақил ишни бажариш лаёқати, махсус адабиётлардан фойдаланиш қобилияти ва шахсий хусусиятлари Тўёнка остида қармоққа етмиш-тирмиси илмий ишнинг таърифдорлиги

Малакавий ишнинг ижобий томонлари Тўёнка остида қармоққа етмиш-тирмиси илмий ишнинг таърифдорлиги

Малакавий иш баҳоси: (максимал балл – 100 балл) 86 балл

Малакавий иш раҳбари: Сурт Н. Ҳўнжиров
(ф.и.ш.)

Илмий маслаҳатчи: —
(ф.и.ш.)

«23» 06 2014 йил.

МУҲАНДИС-ТЕХНИКА факультети

5610100 – “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” бакалавр таълим
йўналиши битирувчиси Барноев Дилдор нинг
битирув малакавий ишига

Малакавий иш мавзуи: "Бўёққа остида қартошки
қартошки еганим, тилимни тилим
этимни сўйм, раҳбаримни".

а) ёзма изох қисми: varaqlar soni 76

Малакавий иш мавзусининг долзабриги ва берилган топшириққа мослиги Тўғри
 остида Иш даражаси ҳаққон ҳаққон
 қилиб Иш даражаси ҳаққон ҳаққон
 қилиб Иш даражаси ҳаққон ҳаққон

Малакавий ишнинг ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати

Маломатий иш тушунарли
тилда ёзилган қарвалар со-
уқарни тоқилди тқиб ва
сиротили брини йган.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги шо малавий ишда

натижалардан фойдаланишга эришишни мақсад қилиб олиш

минимал	маънолардан	франс
техника	нотуғдори	четиле
олимовлари	инновацион	микро
фермер	деҳқончилик	тажриба
ларидан	фотодо	кишил

Меҳнат ва атроф – муҳитни муҳофазаси қисмининг ёритилганлиги Меҳнат
ва атроф – муҳит муҳофазаси
қисми тўғрисида ёритилган

Малакавий ишининг техник – иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги:

Малакавий иш ишда тўғрисида
ётишда сартончи етишти-
рини таърифи ҳар натижа
ишда техник иқтисодий
муҳаббат асосланган иқтисодий
саморазвитийи ўрганиш

Малакавий ишининг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти

Тўғрисида ўрганиш сартончи
етиштирини ўрганиш иш
ўрганиш ҳар натижа
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат

Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал балл – 100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса

Малакавий ётишда сартончи етишти-
рини таърифи ҳар натижа
ишда техник иқтисодий
муҳаббат асосланган иқтисодий
саморазвитийи ўрганиш
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат
ўрганиш иқтисодий муҳаббат



Тақризчи

Имзо

Ҳақто, селесия си" ўрганиш
"ва етиштирини ҳар натижа
лори. иқтисодий муҳаббат ўрганиш
мансаби, иш жойи, илмий даражаси, ф. и. ш.

«30» июль 2014 йил